



БАНКЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абиев Даврон Илхомович

Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0005-8938-5318

davronabiyev94@gmail.com

Аннотация. Мақолада тижорат банкларининг инвестиция фаолияти, инвестиция активлари, тижорат банкларининг инвестицион фаолиятга боғлиқ ёндашувлар, қимматли қоғозларга киритилувчи инвестициялар, маблағларнинг тижорат банклари орқали инвестицион ҳаракатланиши талқин қилинган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, қимматли қоғозлар, инвестиция фаолияти, кредит, омонат, депозит.

ОПЕРАЦИОННАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БАНКОВ И НАПРАВЛЕНИЯ ЕЕ ПОВЫШЕНИЯ

Абиев Даврон Илхомович

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье раскрыта инвестиционная деятельность инвестиционного банка, инвестиционные активы, подход инвестиционного банка к инвестиционной деятельности, инвестирование ценных бумаг, защита инвестиций инвестиционного банка.

Ключевые слова: банковский счет, ценные бумаги, инвестиционная деятельность, кредит, сбережения, депозит.

THE OPERATIONAL EFFICIENCY OF THE INVESTMENT ACTIVITY OF BANKS AND DIRECTIONS FOR ITS IMPROVEMENT

Abiyev Davron Ilxomovich

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. in the article, the investment activity of the investment bank, investment assets, the approach of the investment bank to the investment activity, the investation of the securities, and the investment protection of the investment bank are explained in the article.

Keywords: commercial banks, securities, investment activities, kredit, savings, deposit.

Кириш.

Банклар молия бозорининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида пул маблағларини ҳаракатланишини таъминловчи йирик воситачи ҳисобланади. Банклар инвестор сифатида молиявий ресурсларга муҳтож бўлган корхоналарни молиялаштириш орқали қўшимча ҳаққа эга бўлиш мақсадида молия бозорининг иштирокчисига айланади. Бунда тижорат банклари рентабелликни оширишни асосий мақсад сифатида белгилайди ва инвестицион тсратегиясини ишлаб чиқади. Ушбу ҳолат тижорат банклари олдидамавжуд ресурсларни мутаносиб бошқаришни тақозо этади. Мамлакатимизда фаолият юритувчи тижорат банклари реал активларга нисбатан кўпроқ инвестиция киритишади.

Адабиётлар шарҳи.

Лаврушин (2009) фикрига кўра, тижорат банклари инвестиция фаолиятининг асосий молиялаштириш манбаалари мижозлардан жалб этилган депозитлари ҳисобланади. Тижорат банклари асосий фаолияти аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш ва уларни кредитлар, инвестициялар шаклида жойлаштириш билан шуғулланишдан иборат.

Попова (2019) аксарият тижорат банклари инвестиция фаолиятини амалга оширишда ресурс базаси сифатида талаб қилиб олингунча депозитларга таянишини таъкидлаган. Шунингдек, талаб қилиб олингунча депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиши банкнинг инвестиция базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади, шунингдек, ликвидлилик рискинни юзага келтиради. Талаб қилиб олингунча депозит мижоз исталган пайтда фойдаланадиган маблағи ҳисобланагани учун беқарорлик даражаси юқори бўлади. Шунинг учун мамлакатимиз банк амалиётида ҳам талаб қилиб олингунча депозитларга фоиз ҳисобланмайди.

Матонников (2013) тадқиқотларида ривожланган давлатлар банкларининг ресурслар базасида мижозларнинг маблағлари юқори салмоқни эгаллашига тўхталган. Хусусан, Финляндия, Италияда жами банк пассивларининг 30 фоиздан ортиқ қисми мижозлар (жумладан, жисмоний шахслар) маблағларига тўғри келади. Бу кўрсаткич Япония ва Исроилда 80 фоизни ташкил этади.

Красавина ва Валенсия (2006) фикрига кўра, ривожланган мамлакатларда тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни эмиссия қилиш натижасида жалб этилган маблағлар жами ресурслар ҳажмида юқори улушни эгаллайди. Ушбу ресурслар банклар томонидан узоқ муддатли кредитларни тақдим этиш учун йўналтирилади.

Маҳаллий иқтисодчи олим Додиев (2014) ривожланган мамлакатлар банк амалиётида инвестицион фаолиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобланишини таъкидлайди. Банклар томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар Франция тижорат банкларида 16,2%, Германияда – 15,5%, Италияда – 23,8%, Буюк Британияда – 7,8%, Испанияда – 23,8%, АҚШда – 2,2 %, Бельгияда – 6,4 %, Японияда – 10,2% ни ташкил қилади.

Жумаев (2019) ўз тадқиқотларида фонд бозорини ривожлантириш орқали тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш имкониятлари юзага келишига тўхталган. Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятининг рағбатлантирилиши иқтисодиётда молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш даражасини ва минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошишига хизмат қилади.

Атаниязов (2022) фикрига кўра, республикаимизда қимматли қоғозлар бозори етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли тижорат банклари инвестицияларни қимматли қоғозларга нисбатан узоқ муддатли кредитларга кўпроқ йўналтиришади.

Тадқиқот методологияси.

Банкларнинг инвестицион фаолияти ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Микроиқтисодий жиҳатдан банк инвестор сифатида фаолият юритадиган, ресурсларни жалб этиш ва фойда олиш мақсадида инвестиция қиладиган фаолият сифатида қаралиши мумкин. Бу жараёнда янги активларни сотиб олиш ва уларнинг бозор қийматининг ошиши ҳисобидан муайян даражада фойда кўриш ҳам тушунилади.


Молиявий воситачи сифатида банкларнинг инвестиция фаолияти ҳам макроиқтисодий жиҳатга эга. Бунда банкларнинг инвестицион фаолиятининг самараси ижтимоий капиталнинг кўпайишига эришишдан иборат бўлиб, унинг таркибий қисмлари жисмоний (ишлаб чиқариш), табиий ва инсон капитали ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан, банкларнинг инвестицион фаолияти нафақат банк даражасида, балки бутун жамият бойлигининг ўсишига ёрдам берадиган инвестицияларни ўз ичига олади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Шундай қилиб, макроиқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш йўналиши банкнинг инвестиция фаолиятини таснифлаш мезони сифатида ишлатилиши мумкин. Банкларнинг sanoat қўйилмалари хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал харажатларида банкларнинг иштироки орқали корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришга қўйилган инвестициялар вазифасини бажаради. Шакл жиҳатдан бу бирламчи бозорга жойлаштирилган корхоналарнинг акциялари, бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш, инвестицион кредитлаш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўлиши мумкин. Банкларнинг инвестиция фаолиятининг кўриб чиқиладиган иккала жиҳати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу муносабатлар молиявий бозорнинг ривожланишига асосланади, унинг воситалари бевосита ёки билвосита инвестиция жараёнини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни ташкил қилади.


Банклар инвестиция фаолиятининг микро ва макроиқтисодий талқинлари ўртасидаги муносабатларнинг яна бир шакли унинг мақсадлари ва натижаларининг ўзига хослигидир. Микроиқтисодий даражада мақсад банкларнинг бойлигини максимал даражада ошириш, макроиқтисодий даражада эса бутун жамият бойлигининг яхлит кўрсаткичи бўлган ижтимоий капитални оширишдан иборат. Натижада иккала даража учун ҳам натижа истеъмол қилиш имкониятларини оширади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, банк инвестиция ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил этади ва банклар давлат институти сифатида юқори ижтимоий аҳамиятга эга. Инвестиция жараёни натижасида молия сектори воситачилигида маблағлар ишлаб чиқариш капиталига айланади.



Ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан инвестиция операцияларини амалга оширишда манбалар бўйича тақсимлаш мавжуд эмас - банк барча операцияларни ўз номидан амалга оширади, шу билан бирга маблағларнинг катта

қисми бир вақтнинг ўзида банкнинг мажбуриятлари ҳисобланади. Ушбу ўзига хос хусусиятни ҳисобга олган ҳолда, банк инвестиция фаолиятини амалга ошираётганда, мақбул рискнинг максимал даражаси бошқа молиявий воситачиларнинг инвестициялари rischi даражасидан паст бўлиши керак.



- брокерлик;
- тўлов воситаларини чиқариш ва тўловларни амалга оширишда воситачилик қилиш;
- иқтисодиётга марказий банк пул-кредит сиёсатининг таъсирларини таҳлил қилиб бориш.



Молиявий ресурсларни етказиб берувчининг рискинни бошқариш муаммоларини ҳал қилиш йўллари:

- 1) банкнинг рискни пассив қабул қилиши;
- 2) рискни диверсификация қилиш;
- 3) рискнинг бир қисмини ҳосилавий қимматли қоғозлар орқали бошқа хўжалик субъектларига ўтказиш.

2-расм. Банклар инвестиция фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Банк инвестицияларининг иккинчи ўзига хос хусусияти инвестицияларни жойлаштиришнинг чекланган муддатлари бўлиб, бу банкдан маблағларни жалб қилиш муддати билан белгиланади. Агар ишлаб чиқариш корхонасининг капитали ўз табиатига кўра узоқ муддатли бўлса, банк томонидан омонатчилардан жалб қилинган маблағлар доимо шошилинич ҳисобланади ёки одатда жорий ҳисобварақларда ёки талаб қилиш бўйича ҳисобварақларда жойлашади.

Учинчидан, банк инвестицияларининг муҳим қисми юқори ликвидликка эга бўлиши керак - жорий бозор нархидан минимал даражада фарқ қиладиган нархда тезда сотилиши лозим.

Банкларнинг инвестиция фаолиятининг асосий жиҳатларини кўриб чиқишга ўтишдан олдин, банкнинг инвестиция фаолияти воситаси сифатида айнан қайси активлар кўриб чиқилишига эътибор қаратиш лозим. Баъзи экспертларнинг фикрича, бундай активларга фақат молиявий воситалар - қимматли қоғозларнинг савдо ва инвестиция портфеллари киради (классик ёндашув), бошқалари эса банкнинг барча активларини ўз ичига олиши керак (кенгайтирилган ёндашув).

Кенгайтирилган ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундаки, банк инвестицияларига ҳам банкнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун киритилган ички инвестициялар, ҳам банкдан ташқари инвестициялар киради. Мураса талқини ҳам мавжуд бўлиб, бунда банк фаолиятининг инвестицион характери банк ресурсларини ишлаб чиқариш фаолиятига инвестиция қилиш билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, банкнинг инвестицион фаолиятига банкларнинг қимматли қоғозлар билан инвестиция операциялари, инвестицион кредитлаш ва лойиҳаларни молиялаштириш киради. Амалда классик ёндашув кенг тарқалган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари инвестиция кредитлари ҳажми ва даромадлилик даражаси ҳажми ва даромадлилик даражаси

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Узоқ муддатли кредитлар, млрд. сўм	158649	192077	247036	291399	338919
Узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлар ҳажмидаги улуши, фоизда	94,8	91,5	89,7	89,7	86,9
Миллий валютадаги узоқ муддатли кредитларнинг рентабеллиги, фоизда	15,4	19,1	19,7	18,9	22,3
Хорижий валютадаги узоқ муддатли кредитларнинг рентабеллиги, фоизда	4,5	7,8	5,7	5,9	6,8

1-жадвал маълумотларига кўра Ўзбекистонда фаолият юритувчи тижорат банкларининг узоқ муддатли (2,13 баробар ўсиш) ҳамда миллий валютадаги кредитларнинг (15,4 фоиздан 22,3 фоизгача) рентабеллик даражасида 2018-2022 йилларда ўсиш тенденцияси кузатилган. Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицияларининг самарадорлиги ошишига қайта молиялаштириш ставкаси ҳамда инфляция даражаси таъсир кўрсатган. Миллий валютада берилган кредитларнинг даромадлилиги

2021 йилда 2020 йилга нисбатан 0,8 фоизли пунктга пасайган. Хорижий валюталарда кредитларнинг рентабеллиги 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Хулоса ва таклифлар

Банкларнинг инвестиция фаолиятида иштирок этиш сабабларини ўрганиш контекстида банкларнинг трансформациялар муаммосини энг самарали ҳал қилиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бироқ, алоҳида эътибор талаб қиладиган савол: нима учун банклар классик ёндашув доирасида қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фаолияти билан шуғулланадилар. Умуман олганда, банклар махсус молиявий воситачилар сифатида ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Қарз мажбуриятларини икки марта алмаштиришни амалга ошириш: улар ўз мажбуриятларини чиқарадилар ва шу асосда сафарбар қилинган маблағлар ўз номидан бошқа шахслар томонидан чиқарилган қарз мажбуриятларига жойлаштирилади;

2. Юқори ликвидли ва ўлчами бўйича қатъий белгиланган депозитларда ўз мажбуриятларини шакллантириш. Мажбуриятларни икки марта айирбошлаш барча молиявий воситачиларга хосдир, лекин фақат банклар жисмоний ва юридик шахслар олдидаги белгиланган қарз миқдори билан шартсиз мажбуриятни қабул қилмайди.

Воситачи сифатида банклар учун энг катта таваккалчилик манбаи бўлган миқдорларда белгиланган мажбуриятлардир, чунки улар активлари қийматининг ўзгаришидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўлиқ тўланиши керак;

3. Депозитар молиявий воситачилар сифатида банклар юқори даражадаги молиявий леввериджга эга, чунки улар ўз фаолияти учун ресурсларни қарз маблағлари - ўз капитали, қоида тариқасида, балансининг 10-15 фоизидан ошмайди. Капиталнинг бундай тузилиши банкни ташқи ва ички омиллар таъсирида заиф ҳолга келтиради ва банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг алоҳида тизимини зарурлигини тақозо этади;

4. Тўлов тизимининг ишлашини таъминловчи ҳисоб-китоб ва жорий ҳисобварақларни очиш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳамда нақд пулсиз тўлов воситаларини чиқариш қобилиятига эга бўлиш.

Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқишга муваффақ бўлди:

1. Тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмини («лойиҳалар фабрикаси») кенг жорий қилиш. Лойиҳалар фабрикаси тижорат банкларида алоҳида бўлинма ёки марказ сифатида ташкил этилади ва банкнинг инвестиция фаолиятига оид қарорларни қабул қилишда иштирок этади.

2. Тижорат банклари жамғармаларни инвестицияларга сафарбар қилиш ҳамда уларни молиявий ва иқтисодий нуқтаи назардан энг самарали соҳаларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминловчи молиявий воситачи сифатидаги ролини ошириш лозим. Бунда тижорат банкларининг фонд бозорида профессионал иштирокчи сифатидаги фаолиятини рағбатлантирувчи воситаларни ишлаб чиқиш лозим. Натижада аҳолининг бўш пул маблағларини акциядорлик жамиятлари фаолиятига жалб этиш имкониятлари юзага келади;

3. Инвестиция лойиҳалари экспертиза қилишни мустақил ташкилотларга «аутсорсинг» шаклида ўтказиш лозим. Аутсорсинг ташкилотларнинг банкнинг инвестиция лойиҳаларини реал баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Ataniyazov J. et al. (2022) *Stock Market in Uzbekistan: Current Situation and Development Prospects //British Journal of Multidisciplinary and Advanced Studies*. – Т. 3. – №. 1. – С. 1-10.

Jumaev Nodir (2019) "Ways to attract investment with assessment of investment potential of the regions" *International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom* Vol. VII, Issue 2, February Licensed under Creative Common Page 664, ISSN 2348 0386.

Krasavina L. N., Valencia N. I. (2006) *The role of banks in the financial market: world experience and Russian practice. Finansy i kredit*. 8(212). (In Russ.).

Додиев Ф.Ў. (2014) *Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари. Банклар ва молия бозорлари. 3-сон. 23-28-бетлар.*

Лаврушина О.И. (2009) *Деньги, кредит, банки. / Под ред. проф. О.И.Лаврушина. – М.: "КноРус", –С. 155.*

Матонников М.Ю. (2013) *Банковская система России и долгосрочные ресурсы. // "Деньги и кредит". Москва, №5. –С. 12.*

Попова Е.М. (2019) *Трансформация инвестиционно-финансового посредничества в условиях цифровизации экономики. Развитие и взаимодействие реального и финансового секторов экономики в условиях цифровой трансформации: материалы Международной научно-практической конференции. Оренбург: ОГУ.*